



УЎК- 633.511:631.811:581.1

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА
СТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Абдуалимов Ш.Х., Қулмуротов Б.Э.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот
институтини

b.qulmurotov@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0001-3275-9324>

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19244122>

Аннотация: Ушбу мақолада ингичка толали СП-1607 ғўза навининг ўсиши ва ривожланиши тезлаштириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш мақсадида чигитга экиш олдида ҳамда ўсув даврида турли стимуляторлар билан ишлов берилганда ғўзанинг бўйи ва ҳосил элементлари сони ортиб, мўл ҳосил олишга эришилгани келтирилган.

Аннотация. В данной статье изучено влияние различных стимуляторов на рост и развитие тонковолокнистого сорта хлопчатника СП-1607. Установлено, что предпосевная обработка семян, а также применение стимуляторов в течение вегетационного периода способствуют улучшению роста растений, увеличению их высоты и формированию плодоземелетов, в результате обеспечено получение высокого урожая хлопка-сырца.

Abstract. This article investigates the effect of various growth stimulators on the growth and development of the fine-fiber cotton variety SP-1607. It was determined that pre-sowing seed treatment as well as the application of stimulators during the vegetation period improved plant height and yield components, as a result, a high cotton yield was achieved.

Калит сўзлар: ингичка толали ғўза, СП-1607 нав, стимулятор, ўсимлик бўйи, кўсак, пахта ҳосили.

Ключевые слова: тонковолокнистый хлопчатник, сорт СП-1607, стимулятор, высота растения, коробочка, урожай хлопка-сырца.

Keywords: fine fiber cotton, SP-1607 variety, stimulator, plant height, boll, cotton yield.

Қириш Жаҳонда энг йирик [пахта етиштирувчи](#) давлатлар Хитой 21,6 млн той, Ҳиндистон 17,8 млн той ва АҚШ 12,1 млн той пахта ишлаб чиқариб, жами пахтанинг ярмидан кўпини ташкил этади. Ўзбекистонда эса 2024 йили 3,6 млн тонна пахта етиштирилиб, дунёда олтинчи ўринни эгаллаган. Ингичка толали ғўза Миср, Бразилия, АҚШ, Перу, Судан, Нигерия каби хорижий ҳамда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон каби Марказий Осиё мамлакатларида экилади [7]. Жаҳон пахтачилигида етакчи ҳисобланган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Австралияда стимуляторлардан фойдаланиш агротехник тадбирларнинг ажралмас қисмига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 декабрдаги ПҚ-370-сон “Пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш учун юқори самарадор интенсив агротехнологияларни қўллашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида пахтачиликда ҳосилдорликни 50 ц/га етказиш тўғрисида топшириқлар берилган.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Ш.Абдуалимов таъкидлашича, стимуляторлар билан ғўзага ишлов берилганда ўсимликнинг мақбул ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, кўсақлар очилиши 15-20 % га, пишиб етилиши 3-5 кунга тезлашиб, пахтадан юқори ҳосил олишга ва толанинг технологик сифат кўрсаткичлари яхшиланишига эришилган [1].

Ш.Абдуалимов, Ф.Абдуллаев, Т.Худайкуловларнинг маълумотларига кўра, Тошкент вилояти шароитида чигитни экиш олдида Хосилдор стимулятори билан чигитга 0,6 л/т, шоналаш даврида 0,4 л/га ва гуллаш даврида 0,6 л/га меъёрларда қўлланилганда униб чиқиш даражаси 18,9%, ўсимлик бўйи 6,8 см, ҳосил шохи 1,1 донага, кўсақлар сони 2-3 донага ортган ва назоратга нисбатан 3,3-3,9 ц/га кўп ҳосил олинган [2].

С.Воҳидов изланишларида, чигитга экишдан олдин Витавакс 200ФФ препарати билан 5-6 л/т ва Оксигумат билан 0,75-1,0 л/т меъёрларда ишлов берилганда, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши тезлашиб, пишиб 3 кунга эртароқ бўлган ҳолда, пахта ҳосили 1,0-2,3 ц/га ортгани аниқланган [3].

У.Ниязметов ғўзанинг С-6524 нави чигитига Нитролин ва Рослин препаратлари билан ишлов берилганда, ниҳолларни эрта ва тўлиқ униб чиқиши, ўсимликларни ўсиши, ривожланиши тезлашиб, назоратга нисбатан 3,3-4,3 ц/га қўшимча ҳосил олинган [6].


Тадқиқот услуги. Тадқиқотлардаги барча фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [4] ва “Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником” [5], услубий қўлланмаларига амал қилинган ҳолда олиб борилди. Хосилдорлик кўрсаткичларига Б.А.Доспехов (1985) услуги билан математик ишлов берилди.

Дала тажрибалари Сурхондарё вилояти ўтлоқи тақир тупроқлари шароитида ингичка толали ғўзанинг СП-1607 нави турли суғориш тартибларида парваришланганда Узбиогумин, Иммуноактив, Форал БМО, Экосил, Брентакс КСА стимуляторларини қўллаш самарадорлигини ўрганишга бағишланди. Тадқиқот ишлари 2023-2025 йиллар давомида Ингичка толали пахтачилик илмий тадқиқот институти тажриба далаларида ўтказилди. Тажриба 8 вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда жойлаштирилди. Уруғлик чигит экиш схемаси 60x15-1-2, экиш меъёри 45 кг/га, ғўза қатор ораси 60 см, 4 қаторли, вариантлар эни 2,4 м, бўйи 25 м, майдони 60 м², шундан ҳисоб майдони 30 м² ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши қатор орасига ишлов бериш, озиқа билан етарли даражада таъминлаш, суғориш ва бошқа агротехник тадбирларга бевосита боғлиқ. Ғўзанинг макро ва микроунсурларга бўлган эҳтиёжини қондиришда кимёвий ҳамда органик ўғитлардан ташқари ўсимликларни стимуляторлар билан баргидан озиклантириш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Олинган маълумотларга кўра, ғўзанинг ўсув даври охирида (1.09.2024) тажрибанинг назорат вариантыда ўсимлик бўйи 69,7 см, ҳосил бўғинлари сони 16,5 дона, кўсақлар сони 15,4 дона, очилгани 6,5 дона ва очилиш даражаси 42,2% бўлса, Узбиогумин стимулятори қўлланилганда мос равишда 75,0 см, 18,4; 17,5 ва 7,6 дона ҳамда 43,4%, Иммуноактив стимулятори билан ишлов берилган вариантда ўсимлик бўйи 75,5 см, ҳосил бўғинлари сони 18,7 дона, кўсақлар сони 17,8 дона, очилганлари 7,7 дона, очилиш даражаси 43,3%, Форал БМО, Экосил ва Брентакс КСА қўлланилган вариантда ғўзанинг бўйи 75,7 см, ҳосил бўғинлари сони 19,0 дона, кўсақлар сони 17,7 дона, очилганлари 7,7 дона, очилиш даражаси 43,5% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан турли стимуляторлар қўлланилган

вариантларда ўсимлик бўйи 5,3-6,0 см баланд, ҳосил бўғинлари сони 1,9-2,5 донага, кўсақлар сони 2,1-2,4 донага, очилганлари 1,1-1,2 донага ва кўсақлар очилиш даражаси 1,1-1,3% га фарқ қилгани аниқланган (1-расм).



**1-расм. Ингичка толали ғўзанинг СП-1607 навини ўсув даври охиридаги
биологик ҳолатининг ўзгариши, 2024 йил**

Ингичка толали ғўзани парваришlashда Ўзбекигумин стимулятори билан чигитга экиш олдида 0,8 л/т, вегетация даврида 0,4-0,5-0,6 л/га меъёрларда ҳамда Форал БМО, Экосил, Брентакс КСА стимуляторлари билан ғўза вегетацияси даврида 1,0 л, кг/га меъёрларда ишлов берилганда мўл ҳосил етиштирилиб, назоратга нисбатан 4,3-4,9 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган.

Хулоса: Ингичка толали ғўзанга турли стимуляторлар билан чигитга ва ғўзани амал даврида макбул меъёрларда ишлов берилганда стимулятор таркибидаги фаол моддалар хужайраларнинг парчаланиши тезлаштириб, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қулай шароит яратиши, шунингдек, ғўзани турли ташқи муҳит омилларига чидамлилигини ошиб, юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуалимов Ш. Ғўза ва кузги бугдойда стимуляторларни қўллаш технологиялари // Дехқончилик тизмида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари. Халқаро илмий амалий конференция маърузалар тўплами. Тошкент-2010. –Б.186-187.
2. Абдуалимов Ш., Абдуллаев Ф, Худайкулов Т. Ҳосилдор стимуляторининг чигит униб чиқиши ва пахта ҳосилига таъсири // Пахтачиликнинг инноватсион ривожланиши: назарий ва амалий таъомиллар халқаро. Пахта кунига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021 йил 7 октябрь. -Б. 335-338.
3. Вохидов С. Витавакс 200ФФ ва Оксигуматни ғўзадаги самарадорлиги // ЎзПТИТИ нинг Навоий филиали ҳисоботи, 2003. – Б. 16-17.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент, 2007. 147 б.
5. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. – СоюзНИХИ. – Ташкент, 1973. 225 с.



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



6. Ниязметов У.Х. Эффективность новых регуляторов роста растений Нитролина и Учкуна на хлопчатнике // Авт. дисс. на соискание ученой степени к.с.х.н. Тошкент, 2007, -С 21-22.

7. https://uz.wikipedia.org/wiki/Ingichka_tolali_g%CA%BBo%CA%BBza